



ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАВФСИФИ

Суюнов Шахзодбек Шовкатович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

“Тергов фаолияти” кафедраси ўқитувчиси

Бобомуратов Жаҳонгир Илҳом ўғли

ИИВ Академияси 3-ўқув курси 319-гурух курсанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф ўғрилик жиноятининг криминалистик тавфсифини, ўғрилик жиноятини жиноий-хуқуқий таҳлилини, юридик адабиётларда кўрсатилган мавзуга оид келтирилган жумлаларни кўрсатиб ўтиб мавзуни илмий таҳлил қилган.

Калит сўзлар: моддий зарап, маънавий зиён, эквивалент, яширин равища талон-тарож қилиш, квалификация, сахналаштирилиб кўйилиш.

АННОТАЦИЯ

Посредством данной статьи автор показывает криминологическую характеристику преступления кражи, уголовно-правовой анализ преступления кражи, приговоры, относящиеся к теме, упоминаемой в юридической литературе и проанализировал тему научно.

Ключевые слова: материальный ущерб, моральный вред, эквивалент, тайный разбой, квалификация, инсценировка убийства.

ANNOTATION

Through this article, the author shows the criminological description of the crime of theft, the criminal-legal analysis of the crime of theft, the sentences related to the topic mentioned in the legal literature and analyzed the topic scientifically.

Key words: material damage, moral damage, equivalent, secret robbery, qualification, staged murder.

Ўзганинг мулкинин яширин равища талон-тарож қилиш ёки ўғирлик иқтсадиёт соҳасидаги энг қенг тарқалган жиноятлардан биридир. Талон-тарож қилишнинг барча шакллари ичida ўғирлик жинояти содир этилиши усули жихатидан энг хавфи қамроғи деб топилиши мумкин: унда жисмоний ёки руҳий тасир этиши қўлланилмайди; айбдор уни содир этишда ўзидағи ваколатлардан ва мол-мулкни эгаллашда алдашдан фойдаланмайди. Айбдор хукуқа хилоф ва яширин равища, яни бошқа бошқа шахслардан яширин холда мулкдорниг хохиш-иродасига қарши ўзганинг мулкини ўзлаштиради ва уни узининг мулки сифтида тассаруф эта бошлайди. Бироқ ўғирлик, статистика кўрсатишича,



ўзганинг мулкини талон-тарож қилишнинг энг кенг тарқалган усулидир ва бунинг ижтимоий хавфлилигини оширади. Ўғирлик жиноятининг обьекти ўзганинг мулкидир. Мулк сифатида фақатгина ихтиёрий ҳолатдаги ва шаклдаги, иқтисодий қийматга эга булган товар-моддий бойликлар, шунингдек нархнинг умумий эквиваленти сифатида, маҳсус товар сифатида, бошқа турдаги мулк нархини акс этирувчи пул хисобланиши лозим.

Шуни такидлаш жоизки, ўғирлик учун узганинг эгалигига булган мулкни олиб қуиши хосдир. Бироқ ўғирлик айбдорнинг мулкка нисбатан тасаруф этиш ва фойдаоланиш ҳуқидан ташқари бошқа муайян ҳуқуқи булган мулкни ўғирлаш ва ва эгаллашга хам қаратилиши мумкин. Бу ерда ишлаб чиқаришда ишчи томонидан вақтинча қараб туришга ташдаб кетилган мулкни, магазинда кийиб куриш учун олинган мулкни ўғирлаш назарда тутилмоқда.

Объектив томонидан ўғирлик узганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилишда ифодаланади. Талон-тарож қилишнинг яширилиги деганда, жиноят молмулк эгаси ёки мол-мулк ишониб топширилган ёхуд ихтиёрида турган шахсга сездирмасдан ёки мулдор ёхуд мол-мулкнинг талон-тарож қилинишидан манфатдор булмаган бошқа шахслар йуқ вақтида содир этилиши тушинилади. Бироқ барча холатларда талон-тарожни яширин деб хисоблаш учун, ўзаро боғлиқ булган иккита : объектив ва субъектив мезонни таҳлили қилиш ва баҳолаш лозим. Талон-тарож қилиш усулини баҳолашнинг объектив мезони шундан иборатки, мол-мулкни очиқдан-очиқ талон-тарож қилиш атрофдаги шахсларнинг кўзи олдида содир этилган булсаю, атрофдагидар буни англамаса, бу холда қилмиш ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш деб хисобланиши лозим. Агар мулк эгаси ёки мол-мулк ихтиёрида булган ёхуд у ишониб топширилган шахс талон-тарож қилиш чоғида хозир бўлсаю, аммо талон-тарож содир бўлаётганини тушиниб етмаса, шахснинг қилмиши ўғирлик деб квалификатсия қилинади.

Ўғирлик бугунги кунда энг куп тарқалган жиноятлардан биридир. Ўғирликнинг криминалистик тафсифи ушбу жиноятларнинг энг мухим белгиларини, жиноят содир этилган шарт-шароитни, содир этиш усилини, уни содир этишга мойил булган шахслар ҳақидаги маълумотлар йиғиндинисини ўз ичига олади ва тергов қилишда самарали натижаларга эришишни таъминлайди.

Ўғирлик жиноят ишлари буйича аниқланиши лозим булган холатларга қўйидагилар киради:

1) Ўғирлик жиногяти ҳақиқатдан содир этилганлиги;

2) Ўғирлик жиноятининг содир этилган жойи (корхон, муассаса, ташкилотларнинг аниқ номи ва жойлашган жойи, жабрланувчининг манзили) вақти ва қўлланган усули;

- 3) Ўғирланган мулк кимга тегишли эканлиги корхона, муассаса, ташкилот ва фуқоролар);
- 4) Аниқ нима ўғирланганлиги, ўғирланган мулкнинг белгилари, сони ва нархи;
- 5) Ўғирлик жиноятини содир этишда қандай техника воситалардан фойдаланганлиги;
- 6) Ўғирлик кимлар томонидан содир этилганлиги, иштрокчилар ва уларнинг вазифалари;
- 7) Ўғирланган мулк кимга берилган ёки сотилганлиги;
- 8) Келтирилган зарап миқдори;
- 9) Ўғирлик жиноятигининг содир этилишига олиб келган сабаб ва холатлар;
- 10) Келтирилган моддмий зарапни қоплпш учун қандай чора тадбирлар кўриш талаб этилиши.

Ўғирлик жинояти содир этилган жойнинг манзили, жабрланувчи, мансабдор шахслар, қоровул, гувоҳ, суриштирув органлари вакиллари берган маълумотлардан аниқ куратилган булади. Ўғирлик жиноятигининг содир этилиши вақти, усули ва бунда қандай техника воситалардан фойдаланганлиги воқеа жойини кўздан кечиришда аниқланади, шунингдек Ўғирлик жиноятигининг тергашда аниқланиши лозим булган барча холатлар дастлабки тергов харакатларини ўтказиш даврида аниқланади.

Ўғирлик жиноятини тергов қилишда ўғирлик сахналаштирилиб кўйилиши, яни ўғирлик жиноочти содир этилмаган булса-да, хонодонларда, дўкон ва давлат мулки сақланадигон омборларда мазкур жиноят содир этилиши билан боғлиқ холат, вазият яратилади. Воқеа жойини синчиковлик билан кўздан кечирганда бундай мугомбирликни фош этадиган асосларни топиш мумкин. Масалан: эшик ичга ўрнатилган қулфни бузишдан қолган излар ташқаридан эмас, ичкаридан топилиши, дукон деворида хосил булган тешик ташқаридан эмас, ичкаридан қўйилганлиги қўрсатувчи белгилар мавжуд бўлса ёки жабрланувчидан ўғирланган бюмларнинг ранги, ўлчами, маркаси, номи, тузилиши қандайлиги сўралганда аниқ жавоб бера олмаслиги ўғирлик жинояти сахналаштирилгандан далаолат беради. Терговчи жабрланавчини сўроқ қилаётганда бундай холатларга хам жиддий эътибор қаратмоғи лозим.

Ўғирликларни криминалистик тавсифлашнинг асосий таркибий элементлари қуидагилардан иборат:

- жиноий тажовузнинг бевосита предмети;
- содир қилинган жиноятнинг вақти, жойи ва бошқа холатлар;
- ўғирлик содир этиш усуллари;

- воқеа содир булган жиноятчилар қолдирадигон типик излар;
- жиноятчининг шахси хақидаги маълумотлар.

Одатда пуллар қимматбахо металлардан ясалган буюмлар, ахбароткомуникасия воситалари, кийим-кечаклар, автомототранспорт воситалари ва бошқа жиноий тажовузнинг бевосита предметлари хисобланади.

Биноларда нарса ўғирлашда омборлар, дўконлар ва моддий буюмларни сақлаш хамда сотишга мўлжалланган бошқа жойлардан; фуқороларнинг хонодонлари, дала ховлилари, гаражлари, омборхоналари ва бошқа иморатлардан; меҳмонхоналар ва модалар уйидан; вокзаллар ва поездлар ва бошқалардан ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш асосан содир этилади.

Одатда хонодонларда, хусусий уйлардан нарса ўғирлаш кундузи, омбор, гараж, дукон кабилардан нарса ўғирлаш эса кечаси содир этилади.

Ўғирликни содир этиш усули криминалистик тавсифининг асосий, марқакзий элементи хисобланади, чунки у жиноятни тайёрлаш, амалга ошириш ва яшириш буйича жиноятчиларнинг харакектларини ягона ниятда бирлаштиради. Зеро, жиноятчиларнинг жиноий тажовуз обектига киришда қўлланган усулларни аниқлаш муҳим ахамиятга эга. Моддий қиймат ва пул воситалари сақланаётган бинога, турар жойга киришнинг энг кўп тарқалагн усуллари қуидагилардир;

- қулф ва бошқа тўсиқларни бузиш;
- ром ёки унинг ойнасини чиқариб қуиши;
- пол тагидан кавлаб кириш;
- девор ёки шифтни тешиб кириш;
- тўсиқларни элктер пайвандлаш аппаратлари ёрдамида бузиш.

Бино ва автомобиллардан нарса ўғирлашни икки гурухга ажратиш мумкин:

А) техник воситалар (танлаб олинган, ясалган калитлар, очгичлар, асбоблар) ни қуллаб содир этиладиган ўғирлик;

Б) кириш осон бўлган жойлардаги (очиқ деразалар, қулфланмаган эшиклар, қаровсиз қолган автомобиллар) нарсаларни ўғирлаш;

Жиноятчилар бинога эшикни қийшайтириш, бузиш эшик қулифига калит танлаш, девор ёки эшикни тешиши, кавлаш каби юллар билан киришлари мумкин.

Типик излар ва бошқа манбалар хақидаги маълумотлар ўғирликларни криминалистик тавфисиflashning муҳим элементи хисобланади. Ўғирлик содир этишда из хосил булиш механизими жиноятчининг атрофдаги моддий мухит билан ўзаро мунасобати характеридан келиб чиқан холда юзага келади. Одатда, воқеа содир булган жойда қўл, оёқ излари, сўлак юқи булган сигарета

қолдиқлари, кийм ва пойабзаллар микроқисимларидан намуналар, хид излари, жиноят қуроллари, бузиш қуроллари (кесиши, қийшайтириш, арралаш, ўйиш, транспорт воситалри ва бошқаларнинг) излари қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. <http://lex.uz> (Национальная база законодательства Республики Узбекистан)
2. 18.04.2017 йилдаги “ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2896 электрон манбаа: Lex.uz сайти <https://lex.uz/docs/-3175732>
3. Jinoyat huquqi Maxsus qism darslik M.X.Rustambayev Toshkent 2018. 10 bet
4. Жиноятларнг тергов қилиш методикаси ўқув қўлланма Р.Р.Шакуров. Тошкент 2013й. 33-36 б.
5. Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилк ва босқинчилик билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида 30.04.1999 йилдаги Олий суд пленум қарори Манбаа Lex.uz сайти: <https://lex.uz/docs/-1448644>